Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 21 май, № 100 (5267) Шанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 май куни Оқсаройда “Лукойл” компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, “Лукойл” билан ҳамкорлик яхши самаралар бераётганини, ушбу компания мамлакатимизга тўғридан-тўғри сармоя киритиб, йирик лойиҳаларда фаол иштирок этаётганини қайд этди.

Таъкидлаш жоизки, “Лукойл” ишлаб чиқариш ва молия соҳасида юксак натижаларга эришмоқда, бу компания раҳбариятининг пухта ва самарали стратегиясидан далолатдир. Асосланган углеводород захиралари ҳажми бўйича “Лукойл” жаҳоннинг етакчи нефть-газ компаниялари сирасига киради.

“Лукойл” компанияси Ўзбекистондаги йирик ва ишончли инвесторлардандир. 2004 йилда имзоланган маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги узоқ муддатли битимларга мувофиқ, Ўзбекистонда қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. “Лукойл” “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси, “Петронас” корпорацияси (Малайзия), Корея миллий нефть корпорацияси ва Хитой миллий нефть-газ корпорациясидан иборат консорциум таркибида Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисми ҳудудида кўп томонлама лойиҳаларда ҳам иштирок этмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда газ, газ конденсати ва нефть конларини ўзлаштириш борасида муайян объектлар бўйича имзоланган битимлар ўзининг юксак самарасини бераётгани таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Россия билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун “Лукойл” компаниясининг салоҳиятидан фойдаланишдан манфаатдор экани қайд этилди.

Вагит Алекперов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий қабул учун ва “Лукойл”нинг мамлакатимиздаги фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Учрашувда қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 сентябрдаги Ф-3501 сонли фармойишига биноан ташкил этилган Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган, 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олган Дастур маъқуллансин:

2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи 1-иловага мувофиқ;

юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи 2-иловага мувофиқ;

2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни амалга ошириш учун молиявий харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган ҳажмлари кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларга киритиладиган олий таълим муассасаларининг рўйхати 4-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган замонавий илмий тадқиқот лабораторияларининг рўйхати 5-иловага мувофиқ.

2. 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш учун Махсус комиссия таркиби 6-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Махсус комиссия (Р. Азимов):

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таклифларига биноан ҳар йили, молиявий харажатларнинг умумий тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида олий таълим муассасаларининг амалдаги техник ҳолати, шунингдек, ҳар бир олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб, уларнинг бинолари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатларини тасдиқласин;

2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва ҳар ярим йиллик ҳамда йил якунлари бўйича унинг ижроси натижаларини Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан келишилган ихтисослашувини ўзгартириш ва қайта ташкил этиш тўғрисидаги қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти — Андижон машинасозлик институтига;

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти — Наманган муҳандислик-технологик институтига;

(Давоми 2-бетда).

Форум

Президентимизнинг шу йил 6 апрелдаги қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!” шиори остида ўтказилаётган ранг-баранг тадбирлар аҳоли, айниқса, ёшларда унутилмас таассуротлар қолдирмоқда.

САТРЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Пойтахтимизда “Sen Yolg`iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилган болалар форумида бу яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди. Унда мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб ўтказилган болалар иншолари танловида ғолиб бўлган юз нафар ўқувчи иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, пухта билим ва тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун зарур шарт-шароит яратишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Бу борада “Sen Yolg`iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ёш авлод манфаатларини ҳимоялаш, фарзандларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, педагогик кўмак кўрсатишга оид қатор лойиҳалар, ижтимоий, хайрия тадбирлари, йирик илмий анжуманлар, форумлар, семинарлар ўтказиб келаётир. Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишланган мазкур иншолар танлови ҳам шулар жумласидандир. Танловда болажонлар юртимизнинг гўзал ва бетакрор манзаралари, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида мароқли иншолари билан қатнашишди.

О. ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АХБОРОТ ОЛИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Маълумки, жамият ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида аҳолини ахборот билан изчил таъминлаб бориш, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятининг муҳим талабларидан саналади. Бунда, айниқса, ахборотнинг тезкор ва холисона, оммавий тарқатилишида ОАВнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ахборот олиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ҳамда тарқатиш йўли билан таъминланади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият манфаатларига таалуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шартлиги каби нормалар мавжуд, албатта. Лекин замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиб бориши, ахборот узатувчи ва қабул қилувчи электрон тизимнинг кенг йўлга қўйилиши ҳамда шу аснода тезкор ахборотга бўлган талабнинг жуда юқори суръатлар билан ортиб бориши бу борадаги қонунчилигимизни ҳам қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Бинобарин, Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида эълон қилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида “Оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар устида иш олиб бориш зарур. Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим”, деб алоҳида қайд этилган.

ОАВ ахборот эгаси, маконида (давлат органи ёки нодавлат ташкилоти), ахборотга талабгор фуқаролар (аҳоли) ўртасида ахборот билан таъминлаш, алмашиш, айирбошлаш борасидаги муҳим воситачи, ахборотни қабул қилиб узатувчи ҳамда уни қайта ишлаб етказиб берувчи фуқаролик жамиятининг муҳим институтидир. Бугунги кунда ОАВнинг босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле, радио, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) бошқа шакллари энг замонавий технологиялар асосида ривожланиб борар экан, демак, бу жараён маълум бир тартиб-таомилларга ёки маълум бир қонуниятларга асосланиши лозим бўлади. Айниқса, глобаллашув шароитида миллий ахборот маконида аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, унинг тез ва холис етказилишини таъминлаш айни муддаодир. Бунда, шубҳасиз, ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий механизми, хусусан, ОАВнинг ахборот манбасидан ахборотни талаб қилиб (сўров) олиш юзасидан мурожаатлари кўриб чиқилиши жараёнини соддалаштириш, муддатини қисқартириш бўйича меъёрларни янада такомиллаштиришга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка биноан, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар аҳолига ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари, шунингдек, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбур.

Қонунчиликда ОАВнинг умумий мурожаатларига жавоб олиш муддатлари 15 кундан 1 ойгача белгилангани ёки кўзда тутилган тартибда узайтирилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бу борада халқаро тажриба ўрганилганда, шу нарсага гувоҳ бўлдикки, аксарият ривожланган давлатларда ахборот бериш юзасидан қилинган сўровларга қисқа муддат жорий этилган. Замонавий ахборот асрида Ўзбекистонда ҳам ушбу муддатларни имкон даражасида камайтириш мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Жиззах вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига пухта ҳозирлик кўрилди. Шу боис ушбу ижтимоий-сиёсий тадбир уюшқоқлик, адолат ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилмоқда.

СОҒЛОМ РАҚОБАТ

муносиб номзодларни танлашда қўл келмоқда

— Вилоятдаги 303 та фуқаролар йиғинида яшаётган аҳолининг турмуш тарзи ва эртанги истиқболи сайлов натижаларига бевосита боғлиқ, — дейди вилоят кўмаклашувчи комиссияси аъзоси М. Ҳасанов. — Жойларда ўтказилаётган сайловларда қонунийлик, халқчиллик ва очиқликка нечоғли риоя қилинса, энг муносиб номзодларни сайлаб олиш шунчалик осон кечади. Ана шу мақсадда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг шу йил 8 апрелда ўтказилган ўнинчи сессиясида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва унга пухта ҳозирлик кўриш масаласи алоҳида муҳокама қилиниб, кўмаклашувчи комиссия ва масъул ташкилотлар зиммасига муҳим вазифалар юклатилган эди. Унинг ижроси юзасидан жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Зеро, асосий мақсадимиз 303 нафар фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 3000 га яқин маслаҳатчилари лавозимларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни теран ҳис этадиган, ҳурмат-эътиборга лойиқ номзодлар сайланишини таъминлашдан иборат.

Шу кунгача вилоятдаги 99 та фуқаролар йиғинида сайловлар муваффақиятли ўтказилди. Эътиборлиси шундаки, ҳозиргача саралаб олинган раис ва маслаҳатчиларнинг кўпчилиги биринчи бор бундай лавозимга сайландилар.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОҲОТЛАР ОЧИҚЛИГИ ВА ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ахборот хизматларидан юксак масъулият талаб қилади

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эркин фаолият юритиши учун қонуний асослар яратишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тизими шакланди. Бугунги кунда 5200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)лари, 10 мингдан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, 1200 дан зиёд оммавий ахборот воситалари мана шу тизимда самарали фаолият юритиб келмоқда.

Маълумки, фуқаролик жамияти институтларининг вазифаларидан бири аҳоли кенг қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида таъкидлаганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Жараён

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилиши уларнинг жадал ривожланишига замин бўлди. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунида нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ташкилий-ҳуқуқий шакллари, нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгилаб берилган. Ушбу қонун нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш имконини яратаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти — Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техник институтига.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган ҳар бир институт бўйича 2016 йилгача бўлган даврда ўқув жараёнини ташкил этиш, тегишли профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш ва зарур моддий-техник базани яратиш билан боғлиқ талабларни эътиборга олган ҳолда, уларни қайта ташкил этиш бўйича алоҳида қарорлар қабул қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари;

халқаро донорлар грантлари, васийлар ва мамлакатимиздаги ҳомийлар маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш Жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инвестициялар бошқармаси таркибида 5 та штат бирлигидан иборат Жамғарма маблағларини бошқариш бўйича бўлим ташкил этилиб, вазирликнинг чекланган ходимлари сони тегишли равишда кўпайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурни бажариш учун чет эл кредитлари ва грантларини жалб қилиш юзасидан тизимли ишларни амалга оширсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастурнинг амалга оширилишини молиялаштириш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2011 — 2016 йиллар мобайнида ҳомийлик ёрдами шаклида йўналтирилган маблағлар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқарилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда, илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин. Уларда қуйидагилар кўзда тутилсин:

ўқитувчилар лавозимлари категорияларини мақбуллаштириш ва уларга қўйиладиган лавозим талабларини қайта кўриб чиқиш асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркиби тарификациясининг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

«доцент» ва «профессор» илмий унвонларини бериш тизимини такомиллаштириш, мазкур тизимнинг олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг мунтазам равишда ўз малака ва педагогик маҳоратини оширишга рағбатлантиришдаги ролини кучайтириш;

юқори малакали ўқитувчиларга уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнини яхшилашга қўшган аниқ ҳиссаси, юқори самарадорлик, таълим сифати ва самарали тарбиявий иши учун ойлик устамалар тизимини жорий этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида Вазирлар Маҳкамасига олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар негизида ўқув жараёнининг ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари билан интеграциялашувини янада чуқурлаштиришни назарда тутадиган ўқув-илмий комплекслар ва марказларни ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсин.

9. 2016 йилнинг 31 декабригача 2011 — 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиклаган рўйхатлар бўйича республикага олиб кириладиган ўқув-лаборатория ва компьютер жиҳозлари, илмий-услубий адабиётлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) озод этилсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 20 май

АХБОРОТ ОЛИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда қайд этиш керакки, бугун юртимизда Президентимизнинг бевосита ташаббуси асосида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Чунончи, айни пайтда қарийб 100 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари интернет тармоғида ўзларининг расмий веб-сайтларига эга эканлиги, бундан ташқари, доимий равишда бошқа веб-ресурслар сони ҳам ортиб бораётганлиги қувонарлидир. Фақатгина “Uz” доменида веб-сайтлар 2002 йилдаги 587 тадан бугун 10000 тага етганлиги, интернет тармоғидан доимий равишда фойдаланишни таъминлашга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилинганлиги, интернет тармоғида он-лайн режимида керакли маълумотлар жойлаштирилаётганлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари веб-сайтлари орқали кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари сони 340 тани ташкил этаётганлиги эътиборга моликдир. Бундай шарт-шароитлар, табиийки, юртимизда нафақат ОАВ, балки ахборот олиш юзасидан фуқароларнинг ҳам мурожаатларини кўриб чиқиш муддатини қисқартириш бўйича қулай ҳуқуқий механизм яратиш заруратини кўрсатади.

Албатта, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан бу мақсадларга эришиш давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиатузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Чунончи, матбуот хизматларининг идора ва ташкилотлар ахборот сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда қатнашиши, ўз ташкилотлари фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаши, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида идора фаолиятининг долзарб жиҳатларини, тегишли соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини кенг ёритиш, интернет тармоғида идора веб-ресурсларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш айни заруратдир. Шу билан бирга, бугун ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, жамоат ташкилотида иш олиб бораётган матбуот ва ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари мурожаатларига имкон қадар тез жавоб қайтаришдаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган таомилларни мустаҳкамлаш лозим.

Қолаверса, интернетнинг оммалашаётганини ҳисобга олган ҳолда, ахборот олиш кафолатларига доир қонунчиликда сўровнинг шаклларидан бири сифатида электрон почта орқали мурожаатларни ҳам ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйиш ва унинг мақомини бошқа мурожаат турлари билан тенглаштириш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг ҳам муҳим омили бўлиши, шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтганда, Концепцияда илгари сурилган мазкур қонунчилик ташаббусининг ҳаётга татбиқ этилиши фуқароларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишга, оммавий ахборот воситаларининг глобал ахборот маконида фаол иш юритишига хизмат қилади.

Н. МУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Наманган давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ташаббуси билан “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” ойлиги доирасида экологик қонунчиликни такомиллаштиришда экологик ҳуқуқнинг аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ — ТАБИАТНИ АСРАБ-АВАЙЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Табиийки, экологик муаммолар тобора долзарб бўлиб бораётган бугунги кунда бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий механизмни янада такомиллаштириш зарурати туғилмоқда. Шу жумладан, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби устувор масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ана шу мақсадлар рўёбига хизмат қилади.

Айни пайтда депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, биринчи ўқишда қабул қилинган мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш ва маромига етказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

“Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” ойлиги доирасида ташкил этилган давра суҳбатида давлатнинг экологик сиёсатини муваффақиятли юритиш, бу борадаги меъёрий ҳужжатлар ижроси, вилоятда атроф-муҳит муҳофазаси, экологик тарбиянинг йўлга қўйилиши ва бошқа масалалар юзасидан қизғин баҳс-мунозара бўлди. Унда Экоҳаракат экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, назорат идоралари вакиллари, эколог олимлар ва талаба ёшлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СОҒЛОМ РАҚОБАТ

муносиб номзодларни танлашда қўл келмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Бу галги сайловлар ҳар қачонгидан кўра ошкоралик ва адолат мезонлари асосида ўтаётгани билан эътиборлидир, — дейди Фориш тумани кўмаклашувчи комиссияси раиси С. Қорабоев. — Туманимиздаги 32 та фуқаролар йиғинида сайловлар бўлиб ўтмоқда. Биргина “Учма” қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтган сайловни олиб қарайлик. Ушбу ҳудуддаги 2479 нафар сайловчининг 100 га яқин вакиллари сайловда фаол иштирок этиб, 3 нафар номзоддан ўзларига маъқул раисни танлаб олди. Қувонарлиси, раис ва маслаҳатчиларга қўйилаётган талаблар ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни ушбу маҳаллада сайланган 11 нафар маслаҳатчининг 7 нафари олий маълумотли эканлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишда маҳалланинг ўрни ва мавқеи юксалгани сайин фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига рақобат кучайиб бормоқда. Сайловчиларнинг талаблари ҳам шунга яраша бўлаётир. Шундан келиб чиққан ҳолда, бошқа фуқаролар йиғинларида ўтажак сайлов жараёнларига ҳам ушбу талаблар асосида пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Улуғбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА САМАРАДОРЛИК

Мамлакатимизда корхоналарни хориж инвестицияси ҳисобидан модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга катта эътибор қаратилаётгани туфайли ишлаб чиқариш соҳасида юксак самарадорликка эришилмоқда.

Интилиш

Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишда дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, “Сурхонозиқовқатсаноат” акциядорлик жамиятининг бугунги фаолияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

— Корхонамизга бир миллиард 720 миллион сўм миқдорида хорижий сармоя киритилгач, Ҳиндистондан экстракция ва техник ёғларни ҳидсизлантирувчи янги ускуналар келтириб ўрнатдик, — дейди мазкур жамият бошқаруви раиси Омондавлат Сафаров. — Ҳозир бу ускуналар ёрдамида бир кеча-кундузда 70 тонна ўсимлик ёғи қайта ишланиб, харидорларга етказиб берилаяпти. Маҳсулотнинг сифатлилиги эса рақобат шароитида асосий мезон вазифасини ўтамоқда.

Бундан ташқари, “Сурхонозиқовқатсаноат” негизида 10 минг дона парранда парваришланадиган цех ва “Сурхон Барака Денов” биолабораторияси ишга туширилгани жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаётир.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: жамият фаолиятидан лавҳалар.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Тадбир

Андижон вилоятида “Бошоқли дон ва мойли экинлар селекцияси, уруғчилиги ҳамда уларни етиштириш агротехникасини ривожлантириш истиқболлари” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда республикамиз селекциячи олимлари билан бирга, Россия, Сербия ва Буюк Британиядан ташриф буюрган мутахассислар иштирок этди.

УРУҒЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ — МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИДА

Таъкидландики, соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли бугунги кунда Ўзбекистон нафақат ғалла мустақиллигига эришди, балки уни экспорт қилувчи давлатлар сафига қўшилди. Бунда, аввало, “Селекция тўғрисида”ги ва “Уруғчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилингани, қолаверса, “Симмит”, “Икардо” сингари халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилгани муҳим аҳамият касб этяпти.

Бундан ташқари, бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йили Андижон вилоятида Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институти ташкил қилингани айни муддао бўлди. Мазкур институт ва унинг вилоятлардаги филиаллари бошқа мамлакатлардаги турдош илмий муассасалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган бўлиб, бу, ўз навбатида, уруғчилик борасида ютуқлар кўпайишига замин яратди. Хусусан, республикамиз селекциячи олимлари Россиянинг Лукьяненко номидаги, “Жануб-Шарқ” қишлоқ хўжалиги институтлари ҳамда Сербиядаги “Нови сад” далачилик илмий тадқиқот институти билан тажриба алмашиб келмоқдалар.

Айни пайтда институтда селекция ишларини янада бойитиш мақсадида 6525 та нав намуналари жамланган ҳолда, ҳар йили 450-500 та комбинация бўйича дурагайлаш ишлари олиб борилаётир.

Тадбир асносида иштирокчилар тажриба майдонларида парвариш қилинаётган 100 дан зиёд бошоқли ва дуккакли экинлар намуналари билан танишиш баробарида, ҳозирги ўзгарувчан экологик шароитда селекциячи олимлар олдида турган муаммолар хусусида ҳам фикр алмашдилар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСЛОҲОТЛАР ОЧИҚЛИГИ ВА ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ахборот хизматларидан юксак масъулият талаб қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур ташкилотлар фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар иккала қонунда нодавлат нотижорат ташкилотининг ахборот олиш ва ахборот тарқатишга доир ҳуқуқлари алоҳида нормалар билан белгилаб қўйилган.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи қонуний кафолатланиши давлат ва ҳокимият органларига тенг ҳуқуқий муносабатга киришиш, ўзаро алоқаларни такомиллаштириш имконини беради. Айни пайтда ННТ бундай ҳуқуқдан амалда тўлақонли фойдаланиши унинг аҳоли турли қатламлари ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қила олиш салоҳиятини оширади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида очиқ-ошкораликни таъминлашда ахборот хизматлари муҳим роль ўйнайди, албатта. Шу боисдан ахборот хизматлари ишини профессионал даражада ташкил этиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса ахборот хизматлари ходимларидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ҳисобга олган ҳолда, билим ва кўникмаларини доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Жорий йилдан бошлаб Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи координатори ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда ислоҳотлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган янги лойиҳани амалга оширишга киришди.

Лойиҳа икки йилга мўлжалланган бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ахборот хизматларининг 120 нафардан ортиқ раҳбар ва ходимларини қамраб олган ҳолда, уч йўналиш — жамоат ташкилотлари, иқтисодий ва ижтимоий сектордаги ташкилотлар учун босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда ахборот хизматлари вакиллари, журналистлар ҳамда ҳудудий матбуот хизматлари ходимлари иштирокида йилига олти маротаба беш кунлик семинар-тренинглар ҳамда иккита якуний давра суҳбатини ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу семинар-тренингларнинг дастлабкиси жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари вакиллари учун “Пойтахт” бизнес-марказида ташкил қилинди. Унда олиб борилган ўқув машғулотлари жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш, профессионал даражада иш олиб борадиган матбуот хизматлари тажрибасини оммалаштириш, соҳадаги янги иш услубларини ўрганиш, иштирокчиларда журналистлик маҳорати ва кўникмаларини шакллантириш, журналистика соҳасидаги қонунларни ўз фаолияти давомида самарали қўллаш ҳамда оммавий ахборот воситалари билан самарали мулоқот ўрнатишга кўмаклашишга йўналтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу лойиҳа мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи ҳамда халқаро мақомга эга жамоат ташкилотларининг ҳамкорликдаги ташаббусидир. Президентимиз таклифи билан ташкил қилинган Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш, ОАВ таҳририятлари моддий-техник базасини яхшилаш бўйича кўплаб амалий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳам ҳукуматимизнинг бевосита кўмаги билан самарали фаолият юритиб келаётир.

Ўқув семинарининг биринчи босқичига Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Экоҳаракат, “Камолот” ЁИҲ Марказий кенгаши, “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, Фермер хўжаликлари уюшмаси сингари юртимиздаги йирик нодавлат нотижорат ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбар ва ходимлари жалб этилди. Семинар иштирокчилари ўзбек журналистикасидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний асослари, жамоатчилик алоқалари (PR) тушунчаси, матбуот анжумани, брифинг, ахборот хизмати ишини юритиш воситалари, ОАВ ва ахборот хизмати ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини кўриб чиқишди.

Қатнашчилар нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари эканини инобатга олган ҳолда, семинар дастурига ННТлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг қонуний асослари таҳлилига бағишланган алоҳида мавзулар киритилди. Семинарда, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқ-ошкоралигини ҳамда қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлашда уларнинг масъулиятини ошириш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор этиш, аҳоли ҳамда жамоат бирлашмаларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига доир қарорлар тўғрисида маълумот олишини таъминлаш каби масалалар муҳокама этилди. Иштирокчилар ҳозирги кунда тайёрланаётган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдиришди.

— Семинар қатнашчиларини ижтимоий шериклик муносабатларининг амалда ишлаш ҳамда қонун йўли билан тартибга солиш механизмлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг қонунчилигимизда акс этган шартларига доир масалалар кўпроқ қизиқтирди, — дейди бу йўналишда маъруза қилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси директори вазифасини бажарувчиси Марат Аминов. Иштирокчилар ўртасида амалий машғулотларни ўтказган ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи кафедраси мудири Назира Тошпўлатованинг айтишича, семинар давомида ахборот хизматлари ходимлари матбуот анжуманига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ролли ўйинда иштирок этишди. Матбуот анжумани ва “пресс-пуллар” қандай ташкил қилинишини ҳам амалий жиҳатдан синаб кўришди. Айни пайтда иштирокчиларнинг кўпчилиги ўз фаолиятида пресс-релиз, анонс ва маълумотномаларни тайёрлашда қатор камчиликларга йўл қўйиб келаётгани маълум бўлди. Семинар ёрдамида ахборот хизматлари ходимлари ўз камчиликларини аниқлаб, бундан кейинги фаолиятларини янада самарали ташкил этиш бўйича керакли кўникмаларни олдилар.

— Ўқув семинари ишимизни ҳам ўзимиз, ҳам мутахассислар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, қолаверса, ҳамкасбларимиз тажрибаси билан яқиндан танишиш имконини берди, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Умуман олганда, жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари ходимлари учун бундай семинарнинг ташкил қилиниши ишимизга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Машғулотлар интерфаол усулда, тажрибали мураббийлар томонидан олиб борилганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Семинарда ахборот хизматларининг нафақат ташкилий тузилмаси, ўз ташкилоти ишини жамоатчиликка нечоғли намоён эта олиши, бунда журналистлар билан ҳамкорликни қандай йўлга қўйиш кераклиги ҳам диққат-эътиборда турди. Жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ахборот хизматлари томонидан Интернет сайтларини юритиш, бундай веб-ресурсларнинг амалдаги ҳолати ва мавжуд камчиликларига алоҳида эътибор қаратилди. Семинар давомида бошқа жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари тажрибаси билан танишиб, бир нарсага ишонч ҳосил қилдим: ахборот хизматининг қандай ишлаши бевосита ташкилот раҳбари томонидан унга нечоғли эътибор қаратилиши ва қўллаб-қувватланишига боғлиқ экан.

— Семинар давомида ахборот хизматлари ишини юритиш бўйича нафақат мамлакатимиз, балки хориж тажрибаси, янги иш услублари билан танишганим, айниқса, фойдали бўлди, — дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракати матбуот хизмати мутахассиси Эркин Омонов. — Масалан, ахборот хизмати ходими ташкилот фаолияти доирасидаги соҳага ихтисослашган журналистлар билан алоҳида ишлаши кераклиги, бу иш “пресс-пул” ва бошқа шаклларда амалга оширилишини билиб олдим. Шунингдек, матбуот хабарномаси тайёрлаш жараёнида журналистларни бирламчи ва қўшимча маълумотлар билан таъминлашнинг самараси амалий машғулотлар давомида кўриб чиқилди.

Лойиҳанинг биринчи босқичи шу йилнинг май, июнь ва июль ойларида, иккинчи босқичи эса сентябрь, октябрь ва ноябрь ойларида хорижлик экспертлар иштирокида ўтказилади. Лойиҳа 2012 йилда ҳам давом этиб, фаол иштирокчиларни Европа давлатларидаги вазирлик, идора ва фуқаролик жамияти институтлари матбуот хизматларининг иш фаолиятини ўрганиш ва тажриба алмашиш учун хорижга юбориш мақсадларини ҳам кўзда тутади.

Наргиза УМАРОВА.



БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

аждодларимиз закоси ва халқимиз маънавиятининг кўзгусидир

Юртимиз қадимдан санъат, маданият ўчоқларидан бири сифатида донг таратиб келган. Ҳунармандларга алоҳида ҳурмат кўрсатилиб, уларнинг меҳнати доимо қадрланган. Мана шу илиқ муносабат ва эътибор мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин кучайдики, бу ҳар бир ҳунармандга ўзгача ғурур ва ифтихор бағишлади. Айнан Истиқлолимиз шарофати билан мамлакатимизда Юртбошимиз ғамхўрлигида миллий ҳунармандчилигимизни қайта тиклаш ва ривожлантиришга астойдил киришилди. Бу ислоҳотлар пировардида халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни комил инсон этиб вояга етказиш, қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини сингдиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Диёримизда азалдан ҳар бир воҳанинг ўз амалий ҳунармандчилик марказлари бўлган ва улар асрлар давомида шакланиб борган. Бугун биз биладиган Марғилон, Қўқон, Чуст, Шаҳрихон, Ғиждувон, Қарши, Ургут, Бойсун ҳунармандчилик мактаблари шулар жумласидандир. Эътиборлиси, кейинги йилларда халқ амалий санъатининг бу каби ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва сайқал топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Буни урф-одат ва анъаналаримизни сақлаб, уларни тарғиб этишга хизмат қилаётган музейлар фаолиятини янада яхшилаш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Амалий санъат музейи ана шундай масканлардан биридир. Музейимиздаги ноёб осориатиқалар халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, турмуш тарзи ҳақида қимматли ва қизиқарли маълумотлар бера олади. Экспонатлар орасидан жой олган сопол идишлар, нақшинкор сўзанаю чойшаб, гиламу палос, зардўзи либосларга боқар экансиз, амалий санъат — энг оммавий, халқчил, ҳаётий ижод ифодаси эканлигига амин бўласиз.

Аслида ҳам амалий санъат асарлари инсоннинг ички дунёсини эстетик бойитишга хизмат қилади. Зеро, давлатимизнинг музейлар фаолиятини такомиллаштиришга оид ҳужжатларида ҳам халқимиз тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги алоҳида белгиланган бежиз эмас. Ўз навбатида, бундай юксак эътибор самараси ўлароқ, музейларни янгидан-янги экспонатлар билан бойитиш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Анъана

Музейимизда мутахассислар малакасини ошириш мақсадида илмий текшириш, тўплаш ва экспозицион ишлардан ташқари турли экскурсиялар, маърузалар, музей кунлари, маҳорат дарслари ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, бу ерда ўлкамиз тарихи, улуғ замондошларимиз ҳақида халқ амалий санъати асарларидан иборат этнографик кўргазмалар ташкил этиш анъанага айланган.

Алоҳида эътироф этиш керакки, Президентимизнинг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши ҳунармандлар меҳнатини янада қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда музейимизнинг янгидан-янги экспонатлар билан бойиб боришига хизмат қилмоқда. Ҳозир бу ерда 7500 дан зиёд халқ амалий санъати намуналари сақланмоқда.

Табиийки, хорижликларда миллий санъатимизга қизиқиш кучли. Шу боис музейимиз турли чет эл мамлакатлари билан маданий алоқаларни йўлга қўйган. Мутахассисларимиз Германия, Австрия, Италия, АҚШ, Япония, Туркия, Бельгия, Саудия Арабистони каби давлатларда ўтказилган музейшунослар анжумани каби тадбирларда, Ўзбекистон маданияти кунлари доирасидаги кўргазмаларда мунтазам иштирок этишмоқда.

Қувонарлиси, маънавият ва санъат масканимизга ташриф буюрувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, биргина ўтган йили музейимизга 75 мингдан зиёд сайёҳ ташриф буюрди.

Дарвоқе, музейимиз 2010 йилда "Йил музейи" дея эътироф этилди. Шунингдек, ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг махсус дипломи билан тақдирланди.

Музейимизга ташриф буюрувчилар орасида хорижлик меҳмон ва сайёҳларнинг ҳам борлиги қувонарлидир. Яқинда экспонатларимизни томоша қилган исроиллик сайёҳ Шмил Натон ўз таассуротларини шундай ифодалади:

— Ўзбек маданияти ва санъати ғоятда бой ва бетакрор экан. Икки кун давомида Тошкентнинг гўзал масканларига саёҳат қилдик. Мустақиллик майдонидаги ораста-лик ва гўзалликдан ҳайратимиз ошди. Амалий санъат музейидаги экспонатлар ҳам кўнглимизга беҳад завқ бағишлади. Бу ердаги ҳар бир буюмни санъат асари, дея баҳоласа арзийди. Ота-боболарингиз қўли билан яратилган ҳунармандчилик намуналари эса кишининг маънавий дунёқарашини бойитиб, руҳини поклайди.

Меҳмоннинг сўзларидаги самимиятдан янада ғурурланиб кетдик. Зеро, аждодларимиз тарихи, бетакрор миллий маданиятимиз акс этган бу музей она-Ватанимиз ўтмиши ва бой тарихининг, аждодларимиз закоси ва халқимиз маънавиятининг ёрқин кўзгусидир.

Наргиза ТОЛИПОВА,
Ўзбекистон Амалий санъат музейи директори.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

Юртимизда ҳар йили дунё миқёсида катта обрўга эга бўлган, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-социал, маданий-маърифий жиҳатдан долзарб маъно-мазмун касб этувчи йирик анжуманлар, конференциялар, тадбирлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Мамлакатимиз мезбонлик қиладиган нуфузли халқаро спорт мусобақалари ҳам мухлису мутахассисларнинг эътиборини мудом ўзига тортиб келади.

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР, ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР

«Осиё чемпионати — 2011»

Пойтахтимизда давом этаётган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Осиё чемпионати ҳам ана шундай тадбирлардан биридир. Ушбу нуфузли мусобақа келгуси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари олдидан дастлабки саралаш босқичи вазифасини ўтаб бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Сабаби, мусобақа ғолиблари шу йил сентябрь ойида ташкил этиладиган ва олимпиячилар сафига қўшилиш имконини берадиган мундиаль йўлланмасини ҳам қўлга киритадилар. Шунинг учун қитъамизнинг йигирмадан зиёд давлатидан келган икки юз нафардан ортиқ полвонлар ўртасидаги беллашувлар кутилганидан шиддатлироқ кечмоқда.

Биринчиликда мамлакатимиз терма жамоаси вакиллари ҳам муносиб қатнашмоқдалар. Жумладан, баҳсларнинг дастлабки кунида эркин кураш бўйича 74 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Рашид Қурбонов Жанубий кореялик Ли Юн Сеокни, Эрон вакили Муртазо Асадулло Ризоийни ҳамда хитойлик спортчи Жанг Чонгаони мағлубиятга учратиб, олтин медаль эгасига айланди. Ихтиёр Наврўзов (66 кг.)га эса финалда бир оз омад етишмади ва у иккинчи ўрин билан кифояланди. Вакилларимиздан Заурбек Сохиев (84 кг.)га бронза медали насиб этди.

Шунингдек, Корея Халқ Демократик Республикаси вакиллари Янг Кйонг (55 кг.) ва Янг Чун Сонг (66 кг.), эронлик Салмон Аминий (84 кг.) Осиё чемпиони, деган шарафли номга мушарраф бўлдилар.

— Мамлакатингизда спорт, хусусан, эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши ривожига юксак даражада эътибор қаратилаётганидан яхши хабардорман, — дейди 60 килограмм вазнда биринчи ўринни эгаллаган яна бир спортчи, қозоғистонлик Даурен Жумағозиев. — Бунинг самараларини ўзбекистонлик полвонлар халқаро майдонларда кўрсатаётган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. 2014 йилги эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатига мезбон этиб айнан Ўзбекистон танланганининг боиси ҳам шунда, деб ўйлайман.

Беллашувларнинг иккинчи кунида гиламга эркин кураш бўйича 120 ва 96 килограммгача бўлган вазн тоифаси вакиллари чиқишди. Улар орасида ҳамюртларимиз Артур Таймазов ҳамда Қурбон Қурбонов ҳам бор. Шунингдек, хотин-қизлар кураши бўйича баҳслар (48, 51 ва 55 кг.)га ҳам старт берилди.

Кураш маликалари бугун 59, 63, 67 ва 72 килограмм вазн тоифаларида ўзаро куч синашадилар. Шу куни юнон-рум кураши полвонлари орасида 55 ва 60 килограмм оғирликларда ғолиблар аниқланади.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Саиджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жорий йилнинг 23 — 28 май кунлари мамлакатимизда полиомиелит (ўткир шол) хасталигига қарши олтинчи босқич эмлаш тадбирлари бошланади.

ФАРЗАНДЛАР САЛОМАТЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

Эмлаш ҳафталиги

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилаётган мазкур тадбирда 5 ёшгача бўлган 3 миллион нафардан зиёд болалар эмланиши режалаштирилган.

Айни пайтда мазкур тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида жойларда эмлаш пунктлари ва сайёр гуруҳлар ташкил этилиб, ушбу жараёнда қатнашиши лозим бўлган мутахассислар қайта тайёргарликдан ўтказилди.

— Мамлакатимизда болалар ўртасида учрайдиган юқумли хасталикларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераяпти, — дейди Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори ўринбосари F. Тожибоев. — Бунинг натижасида қоқшол, бўғма, кўкйўтал, полиомиелит сингари хасталиклардан холи мамлакатга айландик. Бу, энг аввало, болалар саломатлигига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта эътибор натижасидир.

Миллий эмлаш кунлари ота-оналар янги туғилган чақалоқлардан тортиб 5 ёшгача бўлган фарзандларини, аввал полиомиелитга қарши неча марта эмланган бўлишидан қатъи назар, ўзлари истиқомат қиладиган ҳудуддаги тиббиёт муассасаларига олиб чиқишлари талаб этилади. Шифокорларнинг таъкидлашларича, мазкур ўткир юқумли хасталикни даволашнинг имконияти йўқ. Шу боис касалликнинг олдини олиш ушбу йўналишдаги энг аниқ чорадир.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

ТИББИЙ МАДАНИЯТ ВА МУОЛАЖА

Пойтахтимизда кардиология соҳаси мутахассисларининг халқаро анжумани бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Кардиологлар уюшмаси ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз олимлари, шифокорлари билан бир қаторда хорижлик мутахассислар ҳам иштирок этаётир.

Анжуман

Анжуманда юрак-қон томир касалликлари билан хасталаниш ва у билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан илмий маърузалар тингланмоқда. Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда эл соғлиғи муҳофазасига йўналтирилган изчил ислоҳотлар натижасида бугун юрак жарроҳлигининг ноёб ва самарали услублари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Энг муҳими, юрак хасталиклари билан боғлиқ оғир асоратларнинг олдини олиш, кенг жамоатчилик орасида тиббий маданият даражасини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани боис хасталикларга эрта ташхис қўйиш ва самарали даволашга муваффақ бўлинаётир.

— Тошкентдаги кардиологлар анжуманида иккинчи бор иштирок этишим, — дейди Красноярск кардиология маркази директори, профессор Юрий Гринштейн. — Шу боис бу ердаги малакали мутахассислар, илмий тадқиқотчи шифокорларнинг иш услуби, тажрибаси билан яқиндан танишишга муваффақ бўлганман. Уларнинг артериал гипертония, миокард инфаркти, юрак аритмияси каби хасталиклар муолажасида ижобий ютуқларга эришаётганликлари қувонарли ҳолдир. Бугунги анжуман ҳам ўзбекистонлик кардиологларнинг янгидан-янги тажрибалари, эришган ютуқлари билан ўртоқлашиш имконини бермоқда. Бу мутахассислар малакасини ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманнинг илк кунида мутахассислар соғлом турмуш тарзи тарғиботи борасидаги ишларни кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Шунингдек, юрак-қон томир касалликларини даволашдаги янгича йўналишлар, ҳомиладор аёллар ҳамда қандли диабетга чалинган беморларда юрак хасталиклари келиб чиқишининг олдини олиш, юрак-қон томир хасталикларининг оғир асоратлари, яъни ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш борасида қўлланилаётган усулларга оид мавзулар юзасидан республикамиз вилоятларидаги мутахассислар билан он-лайн тизими орқали савол-жавоб ва мулоқотлар ўтказилди.

Мубарак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУАЙТАЙЧИЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

Мамлакатимизда спортнинг муайтай тури бўйича ўзига хос мактаб яратилган. Вакилларимизнинг турли халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари салмоғи ҳам йил сайин яхшиланиб бормоқда.

Яқинда ушбу Шарқ яккакураши ватани — Таиландда ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этиб, етмишдан ортиқ мамлакат спортчилари орасида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишди. Ушбу ғалабага Самарқанд вилояти спортчилари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Жаҳон биринчилигида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Жаҳонгир Мамаризаев саралашда Таиланд, Ироқ ва Бразилия вакиллари устидан ғалаба қозонди ҳамда финалда канадалик тажрибали рақибини енгиб, олтин камар соҳиби бўлди. Акром Шарипов эса саралашда Бразилия ва Эрон спортчиларини нокаут ҳолатига туширди. Финалда Украина спортчисини очколар бўйича енгди. Шунингдек, вилоят спортчилари ҳаваскорлар баҳсида 3 та олтин, 5 тадан кумуш ва бронза медали билан тақдирланишди.

Айтиш жоизки, Самарқандда бундан уч йил муқаддам муайтай ассоциацияси фаолияти йўлга қўйилган эди. Дастлаб машғулотларда 55 нафар спортчи шуғуллана бошлаган бўлсалар, бугун уларнинг сони 200 нафардан ошиб кетди. Аҳамиятлиси, Таиланддаги чемпионат ғолиблари ва совриндорларининг барчаси мазкур ассоциация тарбияланувчиларидир.

— Жорий йилнинг ёз ойларида Самарқандда муайтай бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон очиқ чемпионати, шунингдек, профессионаллар ўртасида жаҳон кубоги ўтказишни режалаштирганмиз, — дейди Самарқанд вилояти муайтай ассоциацияси раҳбари Толиб Эшмонов. — Ҳозир ана шу мусобақаларни ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Мақсадимиз — мезбон сифатида ҳар икки турнирда ҳам ғолиблар сафидан жой олиш. Шу боис вилоят терма жамоаси аъзолари машғулотларни астойдил олиб бормоқдалар.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«YANGI INTELLECT»

ЭНГ ЯХШИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТИ УЧУН РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Республика Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Интеллектуал мулкка оид ҳуқуқлар агентлиги

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб

«YANGI INTELLECT – 2011»

энг яхши интеллектуал мулк объекти учун қуйидаги номинациялар бўйича республика танлови ўтказилиши ҳақида эълон қилади:

- Энг яхши ихтиро учун
- Энг яхши фойдали модель учун
- Энг яхши товар белгилари учун
- Энг яхши ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базаси учун

Ҳар бир номинация бўйича уч нафар ғолиб аниқланади ва улар белгиланган миқдордаги пул мукофоти билан тақдирланадилар. Шунингдек, танлов ғолибларига танлов ютуқлари ҳақида ҳужжатлар тақдим этилади ва фахрий ёрлиқлар топширилади.

Танловга 2010 йилда Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқлари (патентлар, гувоҳномалар) берилган интеллектуал мулк объектлари қабул қилинади.

Танлов учун ариза-лар 2011 йил 20 майдан 25 июнгача соат 9.00 дан 17.00 гача, дам олиш кунларидан ташқари қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100047, Тошкент ш., Тўтлиқ к., 2—А уй, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 200-94-81, 200-00-13, 200-00-18.

www.patent.uz

ОБ-ҲАВО

(21 май)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 16-21, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 14-16, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ООО «СОРБ-ТЕХ»

производство лекарственных препаратов для медицины и ветеринарии, а также высокоэффективных сорбирующих материалов, предназначенных для решения проблем экологии и водоподготовки

Препарат «Бакстимс»

Противовоспалительное, ранозаживляющее, бактериостатическое и иммуностимулирующее средство. Основан на природных соединениях.

«Бакстимс» является бактериостатическим иммуностимулятором и обладает универсальными противовоспалительными и ранозаживляющими свойствами, способен повышать местный и общий иммунитет.

«Бакстимс» принимается внутрь и наружно.

«Бакстимс» обеспечивает здоровье детей, женщин и мужчин.

г. Ташкент, ул. Галаба, 3а. Телефон (+998 97) 721-27-53. Тел./факс 248-15-03.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси бошлиғи Шарофиддин Ҳайдаровга падари бузруквори

Умар ҲАЙДАРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими ходими Муаззамхон Қодировага турмуш ўртоғи

Эркин ҚОДИРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 68231 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5